

## ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРИ

*Эшбекова Санобар Омонлиқовна,  
 Жиззах политехника институти  
 физика-математика фанлари номзоди, доцент.  
 Ибрагимов Жаҳонгир Кучимович,  
 Жиззах политехника институти, катта ўқитувчи.  
 Яҳшилик Комил Уралович  
 Жиззах политехника институти, ассистент.*

**Аннотация:** Интерфаол усуллардан оқилона фойдаланиш таълим жараёнига жўшқинлик, изланувчанлик кайфиятини бахш этади, ўқувчиларда ўз имкониятларига ишонч ва ўз меҳнати натижасидан мамнунлик ҳиссини вужудга келтиради, билишга оид қизиқишларини янада орттиради. Булар эса, таълим жараёнида ўқувчилар шахси баркамоллашувининг муҳим омиллари бўлиб ҳисобланиши табиийдир.

**Калит сўзлар:** педагогик технология, интерфаол метод, таълим, физика,

Бугунги кунда таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларни ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш ва эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишнинг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчи, талабаларга фақат тайёр билимлар бериб келинган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, хатто хулосаларни ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахсни ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади, шу билан биргалликда бошқарувчилик функциясини бажаради [1].

Бунда таълим берувчиларнинг олдида қўйилган мақсад мустаҳкам фан асосларини ўрганишдан ташқари уларни талабаларга етказиш йўллари, замонавий педагогик технология билан қуролланиши, ўқитишда фанларни боғлаш орқали тушунтириш зарур. Шу нуқтаи назардан турли фанларнинг ўқитиш услубларини ишлаб чиқиш ва улар билан ўқитувчиларни қуроллантириш, бошқа фанлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш зарур омиллардан биридир. Физика ўқитувчиси фан асосларини ўрганиш билан бир қаторда уни коллеж, лицей ва турли олий ўқув юртларида ўқитиш услубларини ўрганишлари ҳам зарур [2]. Шунинг учун ҳам биз энг аввало ўқитиш услубини янги технологияларда қўллаш орқали талабаларга физика асосларини ўрганиш, олган билимларини амалиётга қўллаш малакаси ва кўникмасини ҳосил қилишга эришишимиз зарурдир.

Физика фанини ўқитиш жараёнида талабаларга, фаннинг мазмуни, яъни физика асослари, ўқитиш-ўқитувчи фаолиятдан иборат бўлиб, тажриба ва техника воситалари асосида предметни баён қилиш, ўқувчиларнинг мустақил ишларини бошқариш, уларнинг билим ва малакаларини синаш, ўқиш-ўқувчиларнинг кўпқиррали ақлий ва жисмоний ўқув фаолиятлари, ўқитиш воситалари: дарсликлар, асбоблар, техника воситаларининг турлари, мазмун моҳиятини сингдиришимиз зарур ҳисобланади.

Физика ўқитиш услубида ўқув-тарбиявий жараёнининг қуйидаги асосий масалалари кўриб чиқилади ва ҳал қилинади. Аввал илғор ўқитувчиларнинг тажрибалари, тегишли адабиётлар, ўқувчиларнинг билим олишдаги фаолиятлари ўрганилади.

Ҳар бир дарс, ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор. Ўқитувчи ва талабанинг мақсади ижобий натижага эришиш экан, дарсда қандай технологиядан фойдаланиш улар ихтиёрида. Ўқитувчининг маҳоратига қараб, компьютер билан ишлаш, фильм, тарқатма материал, плакат, ахборот технологияси, турли адабиётлар, пухта лойиҳаланган интерфаол усуллар қўллаш мумкин [3].

Мавзу материални баён этиш пайтида ўқувчиларга саволлар бериш ҳам яхши самара беради. Бунда ўқитувчи ўқувчиларнинг материални қандай ўзлаштирганликларини билиб олади. Шу билан бирга, ўқувчилар ўқитувчининг истаган пайтда сўраб қолишини билиб, уни диққат билан эшитадилар. Ўқувчиларни ўқитувчига саволлар беришга одатлантириш ўқув материалининг муваффақиятли ўзлаштирилишига ёрдам беради.



Шунингдек, ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини оширади. Ўқувчиларни фаоллаштириш, уларда ўтилатган дарсга қизиқиш уйғотиш ҳам педагогга боғлиқ.

Ўқувчилар саволни бутун материал ёки унинг айрим қисмлари баён этиб бўлинганидан кейин беришлари керак. Акс ҳолда саволлар ўқитувчини асосий фикрдан чалғитиши, натижада бу методик усул фойда ўрнига зарар келтириши мумкин.

Ўқувчилар чарчаши оқибатида кўпинча уларнинг диққат-этибори ва фаоллиги пасаяди, бунини ўқув материаллари баён этишда ҳисобга олиш зарур. Узоқ вақт этиборни жалб этиш ҳам чарчатади, ўқувчи ўқитувчининг сўзларини диққат билан эшита олмайди, чалғий бошлайди. Ўқувчилар дарсдан чарчамаслиги, диққатини дарсга жалб қилиш усулларида бири – дарс ўтиш услубининг хилма-хил бўлишида. Тажрибали ўқитувчилар ўқувчилар ўзлаштириши қийин бўлган материални дарснинг биринчи ярмида, такрорлаш, ўқувчилардан сўраш ва билимларни пухталашни дарснинг иккинчи ярмида ўтказадилар.

Таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, этибор кучайиб бормоқда. Шу вақтгача анъанавий таълимда талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар асосида улар эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишга, мустақил ўрганиб таҳлил қилишга, хулосани ўзлари чиқаришга ундамоқда. Бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиш ва тарбияланиши учун шароит яратилади.


Қайд этишни истардимки, давлатимиз томонидан таълим соҳасида яратилган юксак даражадаги шароит ва самарали ҳимоя механизмлари халқаро миқёсда мустақил экспертлар ("ИНСЕАД" тадқиқотлари) томонидан эътироф этилди. Таҳлилий маълумотларга кўра, юртимизнинг таълим соҳасини ривожлантириши, ушбу соҳага давлат харажатлари, капитал қурилиш ва мактабларни янгилаш харажатлари, ўқитувчилар сонининг ўқувчилар сони билан нисбати, аниқ фанлар ва муҳандислик иши соҳасида битирувчилар сони, ГМАТ (бизнес мактабларда муваффақиятли ўқиш қобилиятларини аниқлаш учун стандартлаштирилган тест) бўйича ўқувчиларнинг ўртача баҳосига доир ва бошқа кўрсаткичлари жуда баланддир.

Кенг кўламли ислохотларнинг муҳим бўғини – инновациялар бугун ҳар бир соҳада бўлгани каби таълим тизимида ҳам ўзининг афзалликларини намойиш этмоқда. Инновациялар долзарб, муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бир тизимда шаклланган янгича ёндашувлардир.

Ўқувчиларда амалий билим ва кўникмаларни шакллантиришда физика фанидан машғулотларда муҳим ўрин демонстрацион (кўргазмали) экспериментларга ва фронтал лаборатория ишларига ажратилади. Физика дарсларида физик эксперимент ўқувчиларда физик ҳодисалар ва жараёнлар ҳақида олдиндан тўпланган тасаввурни кенгайтиради, ўқувчиларнинг қарашларини тўлдиради ва кегайтиради. Лаборатория ишларини ўқувчилар мустақил бажарганида эксперимент пайтида улар физик ҳодисалар қонуниятларини тушуниб оладилар, уларни ўрганиш методлари билан ишлашни ўрганадилар, яъни амалиётда мустақил билим олишни ўрганадилар[4].

Янги педагогик технологияларнинг афзаллиги шундаки, унда машғулотлар муваффақиятли ўтишининг 80 фоизи таълим жараёнини тўғри лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва уни амалга оширишга боғлиқ.

**Интерфаол усуллардан оқилона фойдаланиш таълим жараёнига жўшқинлик, изланувчанлик кайфиятини бахш этади, ўқувчиларда ўз имкониятларига ишонч ва ўз меҳнати натижасидан мамнунлик ҳиссини вужудга келтиради, билишга оид қизиқишларини янада орттиради. Булар эса, таълим жараёнида ўқувчилар шахси баркамоллашувининг муҳим омиллари бўлиб ҳисобланиши табиийдир. Ўқитувчи ва талабанинг мақсадли натижага эришишига қандай технологияни танлашлари уларнинг ихтиёрида чунки ҳар иккала томонининг асосий мақсади аниқ бўлиб, у натижага эришишга қаратилган. Бунда талабаларнинг билим савияси, гуруҳ характери, шароитга қараб ишлатиладиган технология танланади. Натижага эришиш учун ёки**



компютер билан ишлаш лозим ёки фильм, таркатма материал, чизма ва плакатлар керак бўлади [5].

Ўйинли технологиялардан фойдаланишда бир катор психологик хусусиятлар ҳам намоён бўладики, бунинг оқибатида ҳар талаба ўзининг шахсий имкониятларини намоёниш эта олади, ижтимоий ҳаётда ўзи эгаллаган ўринни барқарорлаштиради, ўз-ўзини бошқариш кўникмаларини ҳосил қилади.

Ўйинли технологиялар нафақат назарий билимларни мустаҳкамлаш, уларнинг амалий кўникма ва малакаларага айланишини таъминлабгина қолмай, балки ўқувчиларда муайян ахлокий, иродавий сифатларни ҳам тарбиялашга ёрдам беради.

Ишлаб чиқариш технологик жараён маълум маҳсулот учун ишланганидек, худди шундай педагогик технология ҳам ҳар қайси фан учун ўқитиш технологиясининг асосий элементларини ўз ичига олган умумий услубиёт асосида ишлаб чиқилади.

Педагогик технологиянинг афзаллиги ҳам, аҳамияти ҳам шу билан белгиланади. Бу оммавий ўқитиш шароитида, талабаларни тўла ўзлаштиришини таъминловчи ягона тўғри йўлдир.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Очилов М. Янги педогогик технологиялар Ўқув қўлланма. – Нафас 2000.
2. Mustafaqulov, A. A., Eshbekova, S. O., Jo'rayeva, N. M., & Ibragimov, J. K. UMUMIY FIZIKA FANIDAN AMALIY MASHG 'ULOTLAR UCHUN O 'QUV QO'LLANMA.
3. Мирзахмедов Б. ва бошқалар. Физика ўқитиш методикаси. II қисм. Тошкент.2010 й.
4. Т.П.Ефремова, Электронная лабораторная работа по физике как средство формирования информационной компетеентности учащихся, [хтп://фестивал.1сентябрь.ру/артислес/411219/](http://фестивал.1сентябрь.ру/артислес/411219/)
5. У.Т.Усаров, М.Н.Бобоқулова —Замонавий педагогик технологияларни ўқув жараёнига қўлаш Самарқанд-2008

